



## **XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI**

Termiz shahri, At-Termiziyo ko'chasi 1-uy, 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81

2021 йил «27» июль

VI-31-55-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

### **Сурхондарё вилояти бюджетининг жорий йил I-II чораклар якунига кўра даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳамда эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан маблағ ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ти ЎРҚ-589-сон Қонунининг 20-моддасига мувофиқ вилоят бюджетининг жорий йил II чорак якунига кўра даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобига шаклланган маблағларидан фойдаланиш бўйича халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши қарор қиласи:

1. Вилоят Молия бош бошқармаси ҳамда мутасадди ташкилотларнинг вилоят бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан маблағ ажратиш юзасидан киритган таклифлари инобатга олинсин.

2. Вилоят бюджетининг жорий йил I чорак якунига кўра даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан йўналтирилган маблағларнинг фойдаланилмай иқтисод қилинган қисми 1-иловага мувофиқ йўналтирилсин.

3. Вилоят бюджетининг жорий йил бошидаги эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан йўналтирилган маблағларнинг фойдаланилмаган иқтисод қилинган қисми 2-иловага мувофиқ йўналтирилсин.

4. Вилоят бюджетининг жорий йил II-чорак якунига кўра даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми 56,0 млрд. сўмни ташкил этганлиги ҳамда ушбу маблағлар ҳисобидан 38,1 млрд. сўм маблағлардан яъни жами шаклланган маблағнинг **68,1 фоизи**, шундан, худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш учун **15,1 фоизи**, ижтимоий соҳа муассасалари ва ижтимоий ҳимояга **37,8 фоизи**, ҳарбий-маъмурий секторларни ривожлантириш жамғармасига **6,1 фоизи**, бошқарув органлари ва бошқа бюджет муассасаларига **9,2 фоизи** 3-иловага мувофиқ йўналтирилсин.

5. Маҳаллий бюджетнинг қўшимча шаклланган маблағлари фавқулодда вазиятларда ва шунга ўхшаш кечикириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши талаб этиладиган ҳолларда Кенгашга кейин ҳисбот бериш шарти билан ҳокимнинг қарори асосида йўналтирилиши мумкинлиги белгилансин.

6. Вилоят бюджетининг қўшимча манбалари вилоят бюджети ҳисобидан молиялаштирилиши назарда тутилмаган ташкилотларни жорий сақлаб туриш ҳаражатлари учун йўналтирилишига йўл қўйилмаслиги белгилансин.

7. Вилоят бюджетининг қўшимча манбаларидан маблағ олувчилярнинг раҳбарлари ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши, шунингдек ушбу маблағларни ажратилиши учун тақдим этиладиган барча ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига шахсан жавобгар эканлиги белгилансин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (И.Ёкубов) зиммасига юклатилсин.

9. Мазкур қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Кенгаш раиси



Bobolov T.A.

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг  
2021 йил 27 июлдаги  
VI-31-55-8-0-K/21-сон қарорига  
1-илова

**Вилоят бюджетининг жорий йил I чорак якунига кўра даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан  
йўналтирилган маблағларнинг фойдаланилмай иқтисод қилинган қисмининг қайта йўналтирилиши**

T/p	Кенгаш қарори раками	Санаси	Ташкилотлар номи	Ажратиладиган маблағ мақсади	Миқдори (млн.сўмда)	Фоиз ҳисобида
			<b>Жами ажратиладиган маблағ:</b>		<b>0,0</b>	<b>0,0%</b>
I.				<b>Ижтимоий соҳа муассасалари ва ижтимоий химояга ҳамда Ёшлар ва аёлларни қўллаб-кувватлаш учун</b>	<b>-4 000,0</b>	<b>0,0%</b>
1	178/VI-21	02.02.2021 йил	Вилоят ҳокимлиги хузуридаги "Ёшлар дафтари" жамғармасига	жамғарманинг даромадлар манбасини қўпайтириш учун ажратилган маблағ вилоят бюджетига қайтарилимоқда.	<b>-4 000,0</b>	
II.				<b>Харбий-мамурий секторларни ривожлантириш жамғармасига</b>	<b>4 000,0</b>	
2			Вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ИК	Музработ тумани Чегарачи маҳалласидаги ҳарбий хизматчилар учун қурилаётган 3 та кўп қаватли уйлар курилиши учун	<b>2 000,0</b>	
3			Вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ИК	Музработ тумани Алпомиш маҳалласидаги ҳарбий хизматчилар учун қурилаётган 2 та кўп қаватли уйлар қурилиши учун	<b>2 000,0</b>	

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг  
2021 йил 27 июлдаги  
VI-31-55-8-0-K/21-сон қарорига  
2-илюва

**Вилоят бюджетининг жорий йил бошидаги эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан йўналтирилган маблағларнинг  
фойдаланилмаган иқтисод қилинган қисмини қайта йўналтирилиши**

T/p	Кенгаш қарори рақами	Санаси	Ташкилотлар номи	Ажратиладиган маблағ мақсади	Микдори (млн.сўмда)	Фоиз ҳисобида
				<b>Жами ажратиладиган маблағ:</b>	<b>-57,7</b>	<b>0,0%</b>
I.				<b>Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун</b>	<b>-57,7</b>	<b>0,0%</b>
1	239/VI-26	16.04.2021 йил	Вилоят ҳокимлиги	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6109-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Тикланиш ва тараққиёт жамғрамси ҳисобидан вилоят ҳокимлигига Термиз халқаро савдо маркази обеъктларининг курилиши учун ажратилаётган 20,0 млн. АҚШ долларга тенг микдорда кредит маблағларини ташкиллаштириш учун 0,3 фоиз комиссия маблағлари учун ажратилган маблағ вилоят бюджетига қайтарилмоқда.	-636,0	
2			Термиз шаҳар маҳаллий бюджетига	Шаҳар ободонлаштириш бошқармасининг ёқилғи мойлаш материалларидан юзага келган қарздорликни қоплаш учун	319,9	
3			Термиз туман маҳаллий бюджетига	Туман ободонлаштириш бошқармасининг ёқилғи мойлаш материалларидан юзага келган қарздорликни қоплаш учун	245,0	
4			Ангор туман маҳаллий бюджетига	Туман ободонлаштириш бошқармасининг ёқилғи мойлаш материалларидан юзага келган қарздорликни қоплаш учун	13,4	

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг  
2021 йил 27 июлдаги  
VI-31-55-8-0-K/21-сон қарорига  
3-илова

**Сурхондарё вилояти бюджетининг жорий йил II чорак якунига кўра даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан ажратиладиган маблағлар**

					(млн.сўм)
T/р	Ташкилотлар номи	Ажратиладиган маблағ мақсади	Миқдори (млн.сўмда)	Фоизда	
1	2	3	4		
	Жами шаклланган манба		56 000,0	100,0%	
	Жами ажратиладиган маблағ:		38 127,2	68,1%	
I.	Худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш учун		8 448,6	15,1%	
1	Вилоят ҳокимлиги хузуридаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” жамғармасига	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ти	5 000,0		
2	Сариосиё туман маҳаллий бюджетига	Сариосиё туман Сангардак маҳалла фуқаролар йиғини “Боғча” аҳоли пунктида янгидан қурилиши режалаштирилаётган мактабга олиб борувчи 0,5 км узунликдаги ички автомобиль йўллари қурилиши мақсадида давлат ва жамият эктиёжлари учун ер участкалари олиб қўйилиши муносабати билан бузилишга тушган 17 нафар фуқароларининг уй-жой эгаларининг бузилган уй-жой биноси учун	2 010,0		
3	Термиз туман архитектура ва қурилиш коллежига	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.01.2021 йилдаги ПҚ-4962-сонли қарорига асосан қурилиш соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш учун қарорнинг 4-бандида таҳсил олувчиларнинг яшаш ва овқатланиш харажатларининг 30 фоизи юл-сентябрь ойлари учун (яшаш харажатлари 3 ой учун 26160,0 минг сўм, овқатланиш харажатлари 252 100,0 минг сўм жами 278 260,0 минг сўм)	278,3		

4	Вилоят "Кичик саноат зоналарини бошқариш ягона дерикцияси" ДМ	Вилоят кичик саноат зоналарини бошқариш ягона дерикцияси ДМ нинг буюртмачилигига "Уйжойсаноатсувкурилиш" лойихалаш корхонаси томонидан 13 та кичик саноат зоналарининг бош режасини ишлаб чиқишилан юзага келган қарздорлик учун	469,7	
5	Денов туман маҳаллий бюджети	Туман ободонлаштириш бошқармаси ишчи ходимларига хизмат доирасида фойдаланиш мақсадида олинган велосипеддан юзага келган қарздорликни тұлаш учун	207	
6	Жарқұргон туман маҳаллий бюджети	Туман ободонлаштириш бошқармаси ишчи ходимларига хизмат доирасида фойдаланиш мақсадида олинган велосипеддан юзага келган қарздорликни тұлаш учун	165,6	
7	Музработ туман маҳаллий бюджети	Туман ободонлаштириш бошқармаси ишчи ходимларига хизмат доирасида фойдаланиш мақсадида олинган велосипеддан юзага келган қарздорликни тұлаш учун	138	
8	Термиз туман маҳаллий бюджети	Туман ободонлаштириш бошқармаси ишчи ходимларига хизмат доирасида фойдаланиш мақсадида олинган велосипеддан юзага келган қарздорликни тұлаш учун	180	
<b>II. Харбий-мамурий секторларни ривожлантириш жамғармасига</b>			<b>3 436,0</b>	<b>6,1%</b>
9	Вилоят Мудофаа ишлари бошқармасига	Термиз шаҳар ва туман мудофаа ишлари бўлимларига "QALQON-M" ахборотни криптографик муҳофаза қилиш воситалари ўрнатиш учун	1 176,0	
10	Вилоқт Давлат ҳавфсизлик хизмати чегара қўшинлари	Ахборот коммуникация курилмаларини харид қилиш ва қурилиш-монтаж хизматлари учун	560,0	
11	Вилоят Ички ишлар бошқармасига	Термиз шаҳар ва туманлардаги ИИБ ҲПБ 31 нафар профилактика инспекторларининг 2021 йил июль-декабр ойлари учун ҳисобланган иш хақи ва унга тенглаштирилган тўловларини тұлаш учун	700,0	
12	Вилоят Ички ишлар бошқармасига	Пробация хизмати учун ажратилган бинода олиб борилаётган капитал таъмирлаш ишлари учун	426,7	
13	"Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси	Шарғун шаҳарчасида курилаётган Ички ишлар пункти қурилиши учун	573,3	
<b>III. Ижтимоий соҳа муассасалари ва ижтимоий ҳимояга</b>			<b>21 173,4</b>	<b>37,8%</b>

14	"Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси	Термиз шаҳаридаги "Алпомиш" спорт мажмуасини қайта жиҳозлаб 284 ётк ўринли шифохонага мослаштириш обеъктига 22,1 млн.сўм, "Сурхон" спорти мажмуасини қайта жиҳозлаб 308 ётк ўринли шифохонага мослаштириш обеъктига 332,6 млн.сўм қарздорликни қоплаш учун	354,7	
15	Бандиҳон туман маҳаллий бюджетига	Тумандаги жами 9,7 км суғориш тармоқларини реконструкция қилиш ва 2 дона насос ўрнатиш ҳамда шу жумладан "Таянч" худудида 6,2 км суғориш тармоғини қуриш ва реконструкция қилиш, 1 дона насос ўрнатиш ҳамда "Навruz" худудида 3,5 км суғориш тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш, 1 дона насос ўрнатиш ишларидан қарздорликни қоплаш учун	212,0	
16	"Сурхондарёсувқурилишинвест" давлат унитар корхонаси	2021 йилда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш билан бирга уларни кафолатли сув билан таъминлаш мақсадида "Катта Хисор" каналини тўлиқ лойқадан тозалаш учун ёқилғи мойлаш-маҳсулотлари харид қилиш	725,0	
17	Вилоят ҳокимлигги хузуридаги "Ёшллар дафтари" жамғармасига	жамғарманинг даромадлар манбасини қўпайтириш учун	4 000,0	
18	Вилоят Давлат архиви	Архивга сақлаш учун топшитрилган хужжатларни сақлаш учун стляжлар харид қилиш а моддий техника базасини ривожлантириш ҳамда коммунал тўловлардан қарздорликларини қоплаш учун	200,0	
19	Вилоят ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ИК	Ангор туманида "Баҳор" МФЙда жойлашган ҚОП қурилиши учун	500,0	
20	Бойсун туман маҳаллий бюджетига	Туманда 2 та енгил конструкцияли (сенвендч панель) мактабгача таълим муассасаларини қурилишидан қарздорлик учун 300,0 млн.сўм ҳамда янгидан 1 та енгил конструкцияли (сенвендч панель) мактабгача таълим муассасаларини қурилиши учун	1 500,0	
21	Бандиҳон туман маҳаллий бюджетига	Туманда енгил конструкцияли (сенвендч панель) мактабгача таълим муассасаларини қурилиш учун	1 200,0	
22	Денов туман маҳаллий бюджетига	Туманда 2 та енгил конструкцияли (сенвендч панель) мактабгача таълим муассасаларини қурилиш учун	2 400,0	
23	Олтинсой туман маҳаллий бюджетига	Туманда 1 та енгил конструкцияли (сенвендч панель) мактабгача таълим муассасаларини қурилиш учун	1 250,0	

24	Музработ туман маҳаллий бюджетига	Туманда 1 та енгил конструкцияли (сенвенч панель) мактабгача таълим муассасаларини курилиш учун	1 200,0	
25	Узун туман маҳаллий бюджетига	Туманда 1 та енгил конструкцияли (сенвенч панель) мактабгача таълим муассасаларини курилиш учун	1 200,0	
26	Шеробод туман маҳаллий бюджетига	Туманда 1 та енгил конструкцияли (сенвенч панель) мактабгача таълим муассасаларини курилиш учун	1 200,0	
27	Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига	Пандемия шароитида беморларнинг кўпайиб кетганлиги сабабли "Сурхон" спорт мажмуасидан 300 ўринли коронавирусга чалинган беморларни даволаш учун 100 та кроват, 150 та тахта кроват, 90 та тумбочка ва 150 стул сотиб олиш учун	557,0	
28	Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига	Бошқарма маъмурий биносини ва иситиш тизимини таъмирлаш ҳамда турникит ўрнатиш, видео камералар билан жиҳозлаш учун	598,0	
29	Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг маҳсус ва тез тиббий ёрдам автохўжалиги	"COVID-19" инфекцияси билан зааралangan беморлар кўпайиб кетганлиги сабабли 10 дона "Дамас" русумли янги шошилинч тиббий ёрдам автотранспорт воситасини харид қилиш	762,7	
30	Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 майдаги “Ахолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ти ПҚ-5130-сонли қарорига асосан гематология ва онкология хизматлари сифатини ошириш, худудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари ва онкология диспансерлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида тиббий техникалар ва сарф материалларини марказлаштирилган тартибда харид қилиш назарда тутилган зарур маблағларнинг 40 фоизини маҳсус жамғармага ўтказиб бериш учун	2 700,0	
30	Сариосиё туман маҳаллий бюджетига	Туманинг "Дарагистон" маҳалласи худудида жойлашган Давлат хавфсизлик хизмати Чегара кўшинлари кўмондонлигига қарашли 9220-сонли ҳарбий қисмнинг 9-чегара пости биноси туман ҳокимлиги балансига олинib, ушбу бино иншоотларни 30-сонли мактабгача таълим ташкилотига айлантириш учун таъмирлаш ва жиҳозлаш учун	264,0	

31	Кўмкўргон туман маҳаллий бюджетига	Тумандаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг спорт залида Кўмкўргон, Бандихон ва Шўрчи тумани ахолиси учун COVID-19 га пендмияси билан касалланган беморларни даволаш марказини ташкил этиш учун таъмирилаш ва жиҳозлаш харажатларига	350,0	
<b>IV.</b>	<b>Бошқарув органлари ва бошқа бюджет муассасаларига</b>		<b>5 069,3</b>	<b>9,1%</b>
32	Вилоят ҳокимлигига	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1-2 июн кунлари Сурхондарё вилояти фаоллари билан ўтказилган йигилиш баёнининг 150-банди ҳамда вилоят ҳокимининг 2021 йил 9 июндаги Қк-34 ва Қк-35-сонли қарорларига асосан Музработ ва Қизириқ туманлари сектор раҳбарларига дублёрлар сифатида бириткирилган номзодларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун	28,1	
33	Вилоят "Кичик саноат зоналарини бошқариш ягона дерикцияси" ДМ	Кичик саноат зоналарини бошқариш ягона дерикцияси ДМ нинг самарали иш фаолият олиб бориши учун ходимларига иш ҳақиси учун	377,0	
34	Вилоят ҳокимлигига	Ўзбекистон Республикаси Президентининг вилоятимизга ташрифи учун тайёгарлик кўриш, кутиб олиш ва кузатиш Президент Администрацияси топшириғига асосан маҳсус хоналарни, йигилиш залларини жиҳозлаш билан боғлиқ харажатлардан қарздорлик 1 105 269,0 минг сўм, вилоят ҳокимлиги балансидаги хизмат автомашиналарини ва юкори мартабали меҳмонлар учун мўлжалланган автомашиналарни таъмирилаш харажатларидан 197 198,0 минг сўм қарздорликни коплаш ҳамда юкори мартабали меҳмонлар учун мўлжалланган автомашиналар ёқилғи ва ёқилғи мойлаш материаллари учун 207 301,0 минг сўм	1 509,8	
35	Вилоят ҳокимлигига	"Трастбанк" Термиз филиалининг фойдаланилмасдан турган Термиз шаҳар Ю.Ражабий кўчаси 16-"В"-й манзилдаги вилоят ҳокимлиги маъмурий биносига яқин бўлган биносини вилоят ҳокимлиги ходимларига етарли шароит яратиш мақсадида харид қилиш учун	1 160,2	
36	Вилоят ҳокимлиги	Вилоят ҳокимлиги ва ҳокимлик бошқармаси ходимларини 3-чорак давомида хар ойда бир ойлик иш ҳақи миқдорида қўшимча иш ҳақи тўлаш учун	1 412,5	
37	Халқ депутатлари вилоят кенгаши котибиятига	Котибиятнинг ходимларига 3-чорак давомида хар ойда бир ойлик иш ҳақи миқдорида қўшимча иш ҳақи тўлаш учун	70,5	

38	Вилоят ғазначилик бошқармасига	Хизмат автомашинаси харид қилиш учун	117,0	
39	Халқ депутатлари вилоят кенгаши котибиятига	Хизмат автомашинаси харид қилиш учун	240,0	
40	Пиллачилик ва қорақұлчилыкни ривожлантириш худудий бошқармасига	Бошқармага берилған топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида автомашина харид қилиш	149,7	
41	Халқ депутатлари вилоят кенгаши котибиятига	Халқ депутатлар вилоят кенгашининг 2021 йил 6 июлдаги VI-30-20-8-0-K/21-сонли қарорига асосан Халқ депутатлар вилоят кенгашининг 3 нафар депутатини моддий рағбатлантириш учун	4,6	